

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

615 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим
қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ички валюта бозорининг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 июлдаги 294-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 7-сон, 38-модда) билан тасдиқланган Биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани харид қилиш ва сотиш операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва алмаштириш курсларини бирхиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 11 июндаги 260-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 6-сон, 43-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 30 июнь,
449-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 30 июндаги 449-сон қарорига
ИЛОВА

**Биржадан ташқари валюта бозорида хорижий
валютани харид қилиш ва сотиш операцияларини ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 19-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
2. 43-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«43. Биржадан ташқари валюта бозоридаги операциялар ваколатли банклар томонидан тўғридан-тўғри шартномалар асосида бозор курси бўйича амалга оширилади».